ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР 2-бет

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 4-5-бетлар

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 156 (10.209) / 2004 ЙИЛ 13 АВГУСТ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 август куни Оқсаройда АҚШ Куролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.**

— Биз АҚШ билан муносабатларни юксак қадрлаймиз, - деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. - Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Мамлакатимиз мазкур ҳужжат доирасидаги мажбуриятларига масъулият билан ёндошаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро терроризмга қарши кураш борасида қатъиятли ва ҳамфикрдир.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Афғонистонда вазиятни тўла барқарорлаштиришдан ҳам манфаатдордир. АҚШ Афғонистонда тинчликни сақлаш ва терроризмга қарши курашда халқаро коалицияга бошчилик қилмоқда. Ўзбекистон эса халқ хўжалиги инфратузилмаларини тиклашда фаол кўмаклашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)



**«Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг айни кунларда ишлари қизғин.**

**СУРАТДА: корхонанинг тажриба цехи ишчиси Назокат Файзиева янги моделдаги аёллар панамасини яратди.**

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

## XXI асp садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Куролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерс раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлди.**

**● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан барчамизники!» анъанавий Фарғона вилояти фестивали бошланди. 10 кун давом этадиган мазкур тадбирда барча шаҳар ва туманлар Истиқлол йилларида эришган ютуқларини намойиш этади.**

**● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳузуридаги «Парламент мухбирлари клуби»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● «Уфқ» бизнес инкубатори ҳузурида БМТ Тараққиёт дастурининг қишлоқдаги кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган доирасида ташкил этилган ахборот-коммуникация технологиялари маркази иш бошлади.**

**● Қорақалпоғистонлик деҳқонлар кузги ғалла экишни ҳар йилгидан анча барвақт бошладилар. Қонликўл туманидаги «Бескўпир» ширкат хўжалигида ўтказилган кўргазмали семинар кенгашда эрта сепилган уруғнинг самараси ҳақида сўз борди.**

**● Хатирчи туманида «Ўрол-Жамшид» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда кунига 40 минг донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Тумандаги касб-ҳунар коллежи, икки мактаб, бир қишлоқ врачлик пункти ана шу ғиштлардан бунёдга келмоқда.**

### Жаҳонда

**● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари томонидан БМТнинг Ироқдаги миссиясини яна бир йилга узайтириш тўғрисидаги резолюция матни мувофиқлаштириб олинди.**

**● Кеча АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфельд билан Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев ўртасида ўтказилган музокаралар давомида хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.**

**● Бугун Афинада XXVIII-ёзги олимпиада ўйинлари тантанали равишда очилади.**

**● Дунё бозорида нефть нархи тобора кўтарилиб бормоқда. Хусусан, Нью-Йорк биржасидаги савдода 1 баррель нефть нархи 44 доллар 84 центга етди.**

**● Буюк Британияда ўтказилаётган махсус рейдлар давомида «Ал-Қоида»нинг электрон архиви билан бирга бир нечта шахс қўлга олинди.**

13 O'ZBEKISTON

*Мустақилликнинг 13 йиллиги олдидан*

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

**Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йилнинг 14-15 август кунлари мамлакатимизда Умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.**

**Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ушбу тадбир «Меҳр ва мурувват йили» дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, умумхалқ байрамлари арафасида турар-жой, маҳалла ва гузарларни, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилади.**

Давоми 2-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»):

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

«Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда буюм бозорларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақлидирлар.

2. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгилансин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялар субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида илгари давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар)нинг Давлат солиқ инспекцияларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

Давоми 2-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

4. Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри юритилишини, унга содир этилган импорт операциялари ва бюджетга тегишли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўказилган ва регистрга киритилган якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталари берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказсин, 1 йил муддатга тегишли гувоҳнома берган ҳолда уларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига тегишли ҳисобга олиш тартиб рақами билан киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор чиққунга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва «вақтинча сақлаш» режимида жойлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви илгари белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 август.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

*Мустақилликнинг 13 йиллиги олдидан*

# УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Давоми.Боши 1-бетда.

**Шу муносабат билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Аъзам ГАДОЙБОЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Мазкур Фармойишга биноан «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Умумхалқ хайрия ҳашарини ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда юқори савияда ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди,— дейди А.Гадойбоев.— Унда кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқлар ва канализация қудуқларини тозалаш, турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда дарахтларни оқлаш ва буташ, болалар майдончалари, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш ишлари назарда тутилган.

Тадбирда кексалар ва ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, ҳашар қатнашчиларини зарур техника воситалари ва иш анжомлари ҳамда бошқа меҳнат қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада кўзда тутилган кенг кўламдаги ишларни бир кунда амалга ошириш мушкул, албатта. Шу боис Фармойишда кўрсатилганидек, Умумхалқ хайрия ҳашарини икки кун, яъни 14-15 август кунлари ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Азалий қадриятларимиз саналмиш Умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, юртимизнинг барча аҳолиси кенг жалб этилади.

Жойларда ҳашар қатнашчилари хордиғини чиқариш ва уларнинг дам олиши учун маданий тадбирлар, савдо-сотиқ ҳамда тушлик ташкил этилади. Барча кўчалар ва ҳудудларда ҳаракат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартиби сақланади. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, Умумхалқ хайрия ҳашарида 12 миллион киши иштирок этади.

Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалардан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказилади. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, оммавий спортни ривожлантириш ва жамғарма низомида кўзда тутилган бошқа вазифаларни, хусусан «Меҳр ва мурувват йили» дастури тадбирларини бажариш учун сарфланади.

Ҳашар — ота-боболаримиздан қолган эзгу удум. Халқимизнинг яхши одатлари кўп. Хусусан, тўй қилса, унга олдиндан пухта тайёргарлик кўради. Юртни янада обод қилиш, дарахтларни оқлаш, зовур ва ариқларни тозалаш, уйларни тартибга келтириш, янги қурилишларни фойдаланишга топшириш, маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга кўмак бериш каби хайрли ишлар халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик кунига муносиб тўёна бўлади.

ЎзА

# ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**12 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларига кириш учун топширилган тест-синовларининг натижалари эълон қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бу йил мавжуд олтмиш бир олий ўқув юртига бакалавриат йўналиши бўйича абитуриентлардан 245 мингга яқин ариза топширилган. Ана шу аризалар муаллифларидан 51 минг 175 нафари талабалик бахтига мушарраф бўлди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, олий ўқув юртига кириш истагидаги ёшлар йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса таълим соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар самарасидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда тест тизими МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб жорий этилди. Ўтган вақт ёшларни шу тизим асосида талабаликка танлаб олиш энг мақбул ва холис усул эканини тасдиқлади.

ЎзА

# “АХБОР РЕЙТИНГ” БИЛДИРАДИ

**“Ахбор-рейтинг” халқаро рейтинг компанияси Ўзбекистондаги суғурта ташкилотлари рэнкингини эълон қилди.**

Рэнкингда республиканинг суғурта соҳасида фаолият кўрсатаётган 19 та суғурта ташкилотларидан 8 таси иштирок этди. Бу сафар рэнкингга “Ўзбекинвест” суғурта компанияси ва “Alfa invest” қўшма корхонаси ҳам қўшилди. Янги иштирокчилар суғурта тўловларидан ташқари бошқа кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринларни ишғол қилишди.

Айтиш керакки, бу ерда муҳими ташкилотнинг эгаллаган ўрни эмас, балки унинг рэнкингда иштирок этаётганлигидир. Бу шундан далолат берадики, мустақил рейтинг компаниясига ўз маълумотларини берганда бу ташкилот молиявий фаолияти бўйича шаффофликка ва мижозлар ишончига эга бўлишига интилаётганлиги ҳамда очиқ рақобатга тайёрлигини намойиш этади.

Рэнкингда мунтазам қатнашаётган суғурта ташкилотларининг фаолияти шуни кўрсатадики, улар иккинчи чоракда аввалги чоракка нисбатан ўз ишларини анча жонлантирдилар. Хусусан, қабул қилинган суғурта мажбуриятларининг жами ҳажми икки марта ўсди.

Бу соҳада “Temir yollari” суғурта агентлиги, “Кафолат” ДАСК каби компаниялар энг яхши натижага эришдилар.

Йиғилган суғурта мукофотларининг жами ҳажми иккинчи чорак давомида ўртача икки баробарга ошди. Бунга давлат улуши мавжуд суғурта компанияларининг қизғин фаолияти туфайли эришилди.

Таъкидлаш жоизки, хусусий компанияларга нисбатан устав сармоясида давлат улуши бор компаниялар кўпроқ молиявий шаффофликка интилмоқда.

**Алишер АЗИМОВ,**
**“Туркистон-пресс”**

# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Акмал Икромов туманидаги «Истиқлол» маҳалласида «Энг тоза кўча» мавзуида танлов бўлиб ўтди. Унда маҳалла аҳли якдиллик билан қатнашди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод», «Янги шаҳар»,«Ўзбекистон», «Ўқчи», Ҳувайдо номли маҳаллалар ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамжиҳатлик ҳамда Истиқлолимизнинг 13 йиллиги тантаналарига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Обод» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида кўчма оммавий спорт мусобақалари ўтказилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда мутасадди ташкилотлар ташаббуси билан КЕЧА уюштирилган семинарда мактаблар ошхоналари фаолиятини яхшилаш, ўқувчиларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш мақсадида янги ўқув йилида бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# Сўранг, жавоб берамиз

**Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳақида билмоқчи эдим.**

**Г.Рустамов, шифокор.**

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигини билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиш лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

***

**Қонун бўйича суғурта мажбурийми ёки ихтиёрий?**

**Б.Қосимов, талаба.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига асосан, суғурта ихтиёрий ва мажбурий турларга бўлинади. Суғуртанинг икки турга бўлиниши суғурта ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиш асослари билан боғлиқ. Агар суғурта қонун талабига мувофиқ вужудга келса, у мажбурий деб аталади, чунки у иштирокчиларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган равишда вужудга келади.

Суғуртанинг ихтиёрий шакли эса шартномага асосланади. Мажбурий суғуртада суғурта ҳақининг ҳажми қонунда кўрсатилган бўлади ёки суғурта қилинаётган объектнинг нархидан келиб чиқиб аниқланади. Ихтиёрий суғуртада эса суғурта ҳақи томонларнинг келишуви билан белгиланади.

***

**Афғон уруши қатнашчисиман. Мендан «имтиёзлар бекор бўлган» деб, яшаётган ҳовли-жойимга ер солиғи тўлашимни талаб қилишяпти. Шу тўғрими?**

**М.Ибодуллаев, ишчи.**

Нотўғри. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига кўра, ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган шахслар ер солиғидан озод қилинадилар.

**Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

*Таълим*

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДАН ҚЎЛЛАНМАЛАР

**Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчиларининг самарали изланишлари натижаси ўлароқ қатор ўқув адабиётлари яратилди. Олий ўқув юртининг фуқаролик ҳуқуқи кафедраси олимлари томонидан ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Кафедранинг доценти Тамара Кочергина ўз бой педагогик тажрибаси асосида бундай нашрлардан бир нечтасини талабаларга тақдим этди. «Фуқаролик ҳуқуқидан дарслик», «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи Кодексига изоҳлар» (ҳаммуаллифликда) деб номланган ўқув адабиётлари талабалар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Икки қисмдан иборат «Фуқаролик ҳуқуқидан дарслик» юқори баҳоланиб, «Истеъдод» республика жамғармаси томонидан махсус диплом билан тақдирланди.

## ТАЛАБАЛАР УЧУН ДАРСЛИКЛАР

**Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири сифатида яхши танилган. Бугунги кунда бу ерда санъатнинг қатор йўналишлари бўйича малакали мутахассис кадрлар етишиб чиқмоқда.**

Институт олимлари талабаларни ўқув адабиётлари билан қуроллантириш мақсадида бир нечта янги дарслик ва қўлланмаларни яратишга муваффақ бўлдилар. «Саҳна нутқи», «Ўзбек театри тарихи», «Хорижий театр тарихи», «Драма назарияси», «Қўғирчоқ театри актёрлик мактаби» сингари нашрлар шулар жумласидандир.

Бу ерда кино ва телевидение режиссёрлари, санъат журналистикаси мутахассислигидан кадрлар тайёрлашга ҳам киришилди.

«Эстрада актёрлиги», «Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги» бўйича диплом ишлари ёзилди.

## ПОЙТАХТНИНГ МЎЪЖАЗ ОБСЕРВАТОРИЯСИ

**Тошкент шаҳар планетарийсининг ишга тушиши Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллигига яхши совға бўлган эди. Шу бир йил ичида у пойтахтимиздаги мўъжаз расадхона қиёфасига эга бўлиб, кўплаб томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.**

Айни вақтда унинг экспозицияси янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. Ўрнатилган мураккаб техника воситалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

«Планетарий-МС-6» русумли аппарат ҳам унинг бебаҳо мулкига айланиб қолди. Яқинда ўрнатилган бу мураккаб қурилма ёрдамида планетарийдан туриб, фазовий кузатишларни олиб бориш имкони туғилди. Қуёш тизимидаги юлдуз ва сайёраларни ҳам шу аппарат орқали бемалол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан бу ерда ёш астрономлар мактаби очилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ислоҳотлар оқимида*

# МАҚСАДИМИЗ МАЛАКАЛИ ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

**Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим тизимида туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва узлуксиз таълим жараёни яратилишининг пойдевори бўлди. Бугунги кунда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ҳам ўқув-тарбия жараёнини кенг кўламда ва замонавий асосда ривожлантириш, педагог ва ўқувчилар ташаббускорлигига барча имкониятларни очиш, уларнинг илмий изланишларига кенг шароит яратишга ҳаракат қилинмоқда.**

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим соҳасида улкан ва муваффақиятли ўзгаришларга сабаб бўлди.

Маълумки, ўқувчиларнинг ҳар томонлама ақлий қобилиятини ривожлантирадиган, уларни фикрлашга ўргатадиган, тафаккурининг янги-янги қирраларини очадиган таълим-тарбиянинг турли методлари (конференциялар, учрашувлар, ноанъанавий дарслар, саёҳатлар, экскурсиялар, илмий-амалий семинарлар)дан педагогларимиз фойдаланишлари керакки, булар ўқувчида табиий, илмий, ижтимоий, ғоявий дунёқарашни ўстиришга, омилкорлик ва ижодий талаб (техник, илмий, бадиий)ни шакллантиришга, тараққиётимиз босқичлари билан танишиб ва улардан фойдалана олган ҳолда янгисини яратишга илҳомлантириши керак.

Иқтидорли ўқувчиларни излаш ва уларни муайян фан йўналиши бўйича мақсадли тайёрлашда сўнгги йиллар давомида Республика фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, мусобақаларда ўқувчиларимиз фахрли ўринларни эгаллаб муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. 2004 йил умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган олимпиаданинг 1-3 босқичи таҳлили бўйича 1-2 курслар орасида 637 та ўқувчилар қатнашиб, улардан 17 та ўқувчи совринли ўринларни эгалладилар. Халқаро танловга 1-2 курс ўқувчиларидан бешта фандан (физика, математика, информатика, кимё ва биология) 12 та ўқувчи қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. 3 курслар орасида 400 та ўқувчилар қатнашиб, 16 та ўқувчи биринчи ўринларни эгаллашди.

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш кадрларни тарбиялаш ҳақида гап борар экан, Президентимиз айтганларидек, биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак бўлади. Яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида ҳам халқига, ҳам ўзига жуда катта фойда келтиради. Шу маънода ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш долзарб вазифамиз бўлиб қолаверади. Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси тасарруфидаги 117 та замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларимиз билимларини бойитиб, касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар.

Коллежларимизда ёшларимизга назарий билимлар бериш билан бир қаторда амалий машғулотларга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ишлаб чиқариш амалиётининг вазифаси ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарига малакали ишчи-кадрларни тайёрлаш, ўқувчиларнинг ўрганаётган касблари бўйича билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Бунда пойтахтимиздаги қўшма корхоналар билан ҳамкорлик доирасида меҳнат бозори таҳлили, шунингдек, билим ва малакаларга бўлган эҳтиёж таҳлилларига асосланган ҳолда ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликдаги уйғун фаолиятимиз ўз самарасини бераётганини вақт исботламоқда.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ўқувчиларини ишга жойлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва иш берувчи корхона, ташкилот вакиллари иштирокида қатор семинарлар ўтказилмоқда. 2004-ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда жами 24 минг 155 нафар битирувчи бўлиб, улардан 10 минг 772 таси ўқишга, 14 минг 478 тасининг ишга жойлашиши аниқланган.

Ўқитувчи-педагогларимизнинг малакаларини ошириш ҳам ҳамиша эътиборимизда. Ташкил этилган «Педагогик маҳоратни ошириш» курсларида жами 5576 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар умумтаълим ва касбий фанлар йўналиши бўйича ўз малакаларини ошириш билан бирга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш бўйича ўзларининг касб маҳоратларини оширдилар. Шу билан бирга янги ўқув йилида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи сифат босқичида ўқув муассасаларидаги таълим мазмунини кўтариш, ўқитувчиларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш, педагогларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ёшларга ҳар томонлама чуқур билим беришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда таълим сифатини ошириш мақсадида илғор иш тажрибаларига эга бўлган иқтидорли ўқитувчилардан ишчи-гуруҳи ташкил этилди. Бу ишчи-гуруҳ ёрдамида кўплаб ўқув муассасаларининг умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчиларининг иш фаолияти ўрганиб чиқилиб, услубий-амалий ёрдам кўрсатилди. Яна шуни айтиш лозимки, бошқарма тасарруфидаги тўртта касб-ҳунар коллежи «Осиё Тараққиёт банки», иккита касб-ҳунар коллежи ГТЦ лойиҳаси, ТАСИС, КФБ, Япония хорижий лойиҳалари асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга Польша, Британия мамлакатлари касб-ҳунар коллежларига жаҳон талабига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашда янги педагогик технологиялар ҳамда замонавий жиҳозлар билан ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозирги пайтда таълим даргоҳлари олдида турган энг масъулиятли вазифалардан бири ўқув муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашдир. Бу борада академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Бевосита бошқарманинг ўзида ва ҳар бир коллеж, лицейларда янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича штаблар ташкил этилган. Бугунги кунда деярли барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларимиз янги ўқув йилига ўқувчиларни қабул қилишга тайёр. 2004-2005 йилда Тошкент шаҳрида 5 та 4048 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари ҳамда 1 та академик лицей реконструкция йўли билан фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасида жорий ўқув йилда бошқарма тасарруфидаги барча ўқув муассасаларида 30 дан ортиқ спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Спорт клублари билан маҳаллалар ўртасида шартномалар тузилди ва ўқув муассасалари атрофидаги маҳаллалар аҳли уларнинг майдонларидан фойдаланмоқда.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари III босқичда ташкил этилди. I-босқичда 70000 дан зиёд ўқувчи иштирок этди. II-босқичда спортнинг 12 та тури бўйича 105 ўқув муассасасидан 17542 ўқувчи иштирок этди ва III-босқичда спортнинг 12 та тури бўйича 120 та гуруҳ иштирок этди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бошқарманинг ўз дастури ишлаб чиқилди ва барча ўқув муассасаларида ушбу дастур асосида вазифалар белгиланган.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ёшлар ўртасида учраб турадиган муаммоли вазиятларни ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқув юртларида прокуратура, Ички ишлар идоралари ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорликда «Ёшлар ва муаммолар ечими» мавзусида семинар-тренинглар ўтказилиб борилмоқда.

Барча таълим муассасаларининг ўқувчилари ва «Камолот» ЁИҲнинг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ҳар ой «Бунёдкор» телеклубида долзарб мавзуларда семинарлар ўтказилмоқда. Бошқарма тасарруфидаги 45 дан ортиқ таълим муассасалари дунё ахборот тизимидан кенг фойдаланишлари учун халқаро Интернет тармоғига уланган. Албатта, таълим жараёнини дарслик ва қўлланмаларсиз тасаввур этиш қийин. Шу жиҳатдан олганда, бошқарма тасарруфидаги барча ўқув муассасаларининг умумий китоблар фонди 2376524 тани ташкил этади. Бундан умумтаълим адабиётлари 434677, махсус фанлар 636327, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар эса 1123679 тадан иборат. Бундан ташқари ўқув муассасалари учун ҳомий ташкилотлар кўмагида 8 миллион 975 сўмлик 11 минг 600 та ўқув адабиётлари сотиб олинган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишни янада яхшироқ йўлга қўйиш учун айтиб ўтмоқчи эдимки, биринчидан шаҳар халқ таълими тизимидаги ўрта таълим мактаблари 10-11-синфларининг босқичма-босқич қисқартириб борилиши қанчалик тезкор равишда амалга оширилса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларнинг йўналтирилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узлуксиз таълим тизими ижросини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлар эди.

Иккинчидан, касбий фанлар йўналиши бўйича лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги дарсликларни 2-босқич ўқувчилари учун янги ўқув йилига таъминлаб беришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим мазмуни ва сифатини ошириш учун компьютер, лингафон, кимё, биология, физика лабораториялари, кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва касбий таълимига йўналтирувчи жиҳозлар билан таъминланишини замон талаблари асосида кучайтириш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 473-қарори ижроси бўйича истиқбол режаларига кўра, 2009-2010 йилларда жами 35 минг 231 нафар ўқувчилар 9-синфни битиради. Академик лицейларга 8020 нафар, касб-ҳунар коллежларига 27 минг 211 нафар ўқувчиларни қабул қилиш режалаштирилган. 2009-2010 ўқув йилига келиб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларининг 100 фоизини қамраб олиш режалаштирилган. Барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларимизда «Консультатив марказ»лар ташкил этилган бўлиб, мавжуд касбий йўналишлар бўйича маълумотлар билан тўлиқ таъминланган ҳамда тажрибали мутахассислар томонидан керакли маслаҳатлар бериб борилмоқда. Шу билан бирга бошқарма томонидан ота-оналарга ва 9-синф битирувчиларига ёрдам тариқасида «Умумий ўрта таълимнинг 9-синф битирувчиларига академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳақида маълумотлар» услубий қўлланмаси тайёрланиб, «Консультатив марказ»ларга тарқатилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мактаблар ва туман халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда олиб борилган ижодий ишларнинг дебочаси сифатида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» ўқувчиларимизнинг касб танлашларида ҳамда касбий фанларга бўлган қизиқишларини орттиришда айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, янги ўқув йилида 29 минг 879 нафар ёшларнинг лицей ва коллежларда таҳсил олиши режалаштирилган. Бугунга келиб 38 минг 252 нафар ёшлардан ариза тушган. Шулардан 26 минг 202 таси Тошкент шаҳридан, 11 минг 739 таси вилоятлардандир. Танлов ва суҳбатлардан ўтиб, ўзи севган соҳани эгаллаш истагида бўлган ёшларга албатта барча шароитлар яратиб берилади, ётоқхона билан таъминланади. Суҳбатдан ўтолмаганларга ҳам биз имкон қадар соҳаларига яқин бўлган бошқа коллежни тавсия қилиб, ўша ерга ўқишга жойлашишларига ҳаракат қиляпмиз.

Амалга оширилаётган барча вазифалардан мақсад битта — узлуксиз таълим тизимида энг долзарб йўналиш бўлмиш ўрта махсус, касб-ҳунар эгаллаш босқичида ўқитиш даражасини янада яхшилаш, олий ўқув юртларига ҳамда амалиётга билимдон ва бир нечта касб эгаллаган малакали ёш кадрларни етказишга эришишдир.

**Мираббос АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи**

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур...**

● Саккиз хислат олижаноб одамларда топилади: авф, тавозе, шафқат, қўли очиқлик, очиқ юзли бўлиш, ҳаё, номус ва мурувват.

**Ҳар кишининг бор эса**
**яхши сўзи,**
**Орттирар обрўсин**
**албатта ўзи.**

● Кишилардаги тўққиз иллатдан ҳамма нафрат қилади: жоҳиллик, ялқовлик, ҳасад, такаббурлик, хиёнат, тамагирлик, ғазаб, иғвогарлик ва мунофиқлик.

**Ким тама қилса, ўзин**
**хор айлагай,**
**Хорликдан ўзни бемор**
**айлагай.**

● Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, инсоф, мулойимлик, олим ва фозиллар билан суҳбат, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, иффат ва адолат.

**Қарилларнинг хизматига**
**боғла бел,**
**Кўрсанг ўзингдан**
**кичикни раҳм қил.**

● Афлотундан сўрадилар:

— Қандай одамни кучли, қандай одамни кучсиз, деб айта оламиз?

Афлотун жавоб берди:

— Аччиқланган чоғида ўзини тута билган одам — кучли, айтмаслиги керак бўлган сўзни айтишдан тилини тия олмаган одам кучсиз саналади.

● Бир одам:

— Мен буюк бир шаҳар аҳлидандирман, деб мақтанди.

Арасту айтди:

— Бунинг аҳамияти йўқ, аммо сен буюк шаҳар одами бўлишга лойиқмисан ёки йўқми, ана шу аҳамиятга моликдир.

● Арастудан сўрадилар:

— Одам билан қандай муомала қилишимиз керак?

Арасту шундай маслаҳат берди:

— Одамларнинг ўзингизга қандай муомала қилишларини истасангиз, уларга шундай муомала қилингиз.

● Арастудан сўрадилар:

— Нега кўп одам йигитлик чоғида ҳавасга, кайф-сафога мойил бўлади?

У шундай жавоб айлади:

— Йигит икки қувватдан бирининг — ақли ёки нафсининг таъсири остида бўлади. Агар ақли ғолиб бўлиб, йигит унинг таъсири остида бўлса, нажот топади. Нафсга эргашган йигит фалокат ва ҳалокатга учрайди.

# МАҲАЛЛА ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

**«Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарияти ҳар йили август ойи бошида нишонланадиган «Маҳалла куни» муносабати билан мамлакатимиз ва хориж журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказади.**

Жамғарма бошқаруви раиси А.Гадойбоев бошқарган мазкур тадбирда маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш жорий йилги органи, жамоатчилик ташкилоти сифатида жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда кенг қамровли ислоҳотлар жараёнини амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижаси ўларок, мустақиллик йилларида маҳалла нафақат халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва асрий урф-одатларининг қайта тикланиши рамзи, балки жамиятимиз ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги кўплаб муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилган фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига, том маънодаги ноёб демократик институтга айланди. Бугунги кунда маҳаллаларнинг демократик тамойиллар асосида ташкил этилган ҳамда халқимизнинг қадим анъаналарини акс эттирувчи фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан изчил бораётган мамлакатимизда маҳаллага - демократия дарсхонаси, деб қаралиши бежиз эмас.

Ўзини ўзи идора қилиш, халқ манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш мақсадига йўналтирилган ушбу тизимда айни чоғда 9 минг 690 ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллалар фаолиятида ижтимоий ҳимояни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросини таъминлаш борасида 3 миллиард 270 миллион сўмликдан зиёд маблағ турли савобли ишларга сарф этилди. Кам таъминланган фуқаролар, кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга жиддий аҳамият берилияпти.

Ўсиб келаётган ёш авлодни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган хайрия тадбирларини уюштириш анъанага айланди. Тошкент шаҳридаги «SOS-болалар маҳалласи»да, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳри шифохоналарида даволанаётган болалар учун 16,8 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси спортни ривожлантириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол иш олиб боряпти. «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларида 394 минг оила ўзаро беллашди. «Футболимиз келажаги» турнирининг шаҳар ва туманлараро босқичларида 632 минг нафардан зиёд бола иштирок этди.

Матбуот анжуманида юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ҳам маҳалла муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Яқинда пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари маҳаллалар аҳлидан янада сергак ва огоҳ бўлишни талаб қилади.

Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, "Ўз уйинг, ўз маҳалланг, ўз юртингни ўзинг асра" шиорига амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Йиғилишда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**ЎзА**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ОДАМЛАР, БИЗНИ УНУТМАНГ

Қариндошимизникига дафн маросимига бордик. 90 ёшни қоралаган табаррук онахон оламдан ўтганди. Ўша куни жума намозига тўғри келгани учун мачитда бироз туриб қолишга тўғри келди. Қабристон билан мачит туташ бўлгани учун вақт борлигидан фойдаланиб, мозористонни зиёрат қилмоқчи бўлдик.

Узун йўлка бўйлаб бораяпмизу кўзимиз паст-баланд қабрларда. Уларда не-не инсонлар ётибди. Лекин шундай зиёратгоҳ маскан негадир узоқ вақт қаровсиз қолдирилганлигидан ранжидик. Ахир азалдан бизда қабристонлар қадамжо ҳисобланади. Шундай экан уларни обод ва озода сақлаш биз тирикларнинг бурчимиз. Қолаверса, инсон умри ўлчовли. Унинг сўнгги манзили, борар жойи мозористон. Ота-боболаримизнинг "Гўринг нурга тўлсин" деган сўзларида катта маъно бор. Аввало бу сўз қабристонларнинг обод ва чароғон бўлишига қаратилган.

Тан олиш керак. Сўнгги йилларда юртимизда, умуман шаҳримизда қабристонларни ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Уларни ораста қилиш учун маҳаллаларда тез-тез ҳашарлар, шанбаликлар уюштирилаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бугун ана шундай обод қабристонларни санаб адоғига етиш қийин. Бироқ нақадар аччиқ бўлмасин айтиб ўтишга тўғри келади. Не ажабки, ҳали ҳам жойларда қаровсиз қолдирилган, ўт-ўлан, турли чирмовиқларга ўралиб ётган қабристонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Хаёллар оғушида бораётсак, ҳамроҳимиз:

— Буниси ғалати бўлди-ку, — деб қолди. Рўпарамизда одам бўйи баланд деворлар билан ўралган хилхонага дуч келдик. Яхши умидлар билан бунёд этилган хилхона ҳам ташландиқ ҳолга келиб қолган. Унинг деворлари нураб кетган. Эшиклари синиқ. Бунинг устига хилхона пештоқига ёзилган ёзувлар ярим ўзбекча, ярим русча эди.

Ундан сал нарида эса гўё шу хилхонага ҳасад қила-қила қаровсизликдан ер бағирлаб кетган қабрлар мунғайиб ётибди. Таъбимиз тирриқ бўлиб орқага қайтдик. Пешин намози тугаб, жаноза бошланди. Яна тобут қўлдан-қўлга ўтди. Илонизи йўллар билан бориб, марҳумани бир алпозда қабрга қўйиб қайтдик.

Мозористондан чиқаётганимизда ғалати бир ҳис қалбимизни чулғаб олди. У ер, бу ерда яккам-дуккам дўмбайиб ётган қабрлардан марҳумлар гўё бош кўтариб: «Одамлар, бизларни унутманг, руҳимизни шод қилиш истагида бўлсангиз, ётган манзилимизни обод қилишга шошилинг», дея нидо қилаётгандек эди.

## ТЕКШИРИЛГАН МАҲСУЛОТ

Айни пишиқчилик пайт. Бозорларимизда мева-чевалар сероб. Улар шу қадар ранг-баранг, шу қадар сархилки, дафъатан қай биридан харид қилишни билмай ўйланиб қоласиз. Униси бунисидан, наригиси берисидан сифатли ва чиройли кўринади кўзга.

Расталар айланиб, полиз маҳсулотлари сотиладиган томонга ўтдик. Еру кўк тарвуз, барчаси сархил, турларини қуяверинг. Таҳлам-таҳлам неъматлар ўртасига бозор лабораторияси ходимлари томонидан берилган ишончли қоғоз «Текширилган» деган ёзув катта қилиб қадаб қўйилган. Демак уларнинг истеъмолга яроқлилиги кафолатланган. Ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин йўқ. Харид қилиш мумкин.

Каттагина майдонга уюб қўйилган тарвузлардан бирини чамалаб кўриб, баҳосини сўраб-суриштирдик.

— От билан туя бўлармиди, берганингиз-да, отахон, — дейди сотувчи.

— 400 сўм берсак...

— Сал инсоф қилинг, ота, яна 100 сўм қўшинг. Биз каби деҳқонларнинг меҳнатини ўйланг-да, бобой. Буниси ҳам майли-я, лекин маҳсулотни Сирдарёдан бу ерга келтиргунимизча озмунча сарф-харажат бўладими?

Кўринишидан деҳқоннамо бу йигитнинг шу гапи таъсир қилиб, энди тарвузни харид қилмоқчи эдик. Ўрта ёшли киши бир қўлида ярим палла тарвузни келтириб, сотувчининг олдига қўйди. Унинг бу қилмишидан ҳайрон бўлиб тургандик, боғи киши сотувчига қараб ўшқира кетди.

— Ҳой, менга қара, инсофсиз, мана бу тарвузингни ўзинг е. Кеча менга сотган иккита тарвузинг бутун оиламизнинг тинчини бузди-ку. Нима сув ўрнига селитра берганмисан унга? Ичининг сарғайиб кетганини қара. Одамни ўлдиришига бир баҳя қолди.

— Бақирманг, ака. Менинг маҳсулотим эмас бу. Адашяпсиз. Бошқа одамдан олгансиз.

— Мен янглишсам мана бу бола адашмас. Кечаси билан кўнгли айнаб ухламай чиқди.

Бозор экан-да, ҳангоматалаблар бир зумда кўпайди. Тумонат одам йиғилди. Ўрта ёшлардаги аёл ҳам шикоятчининг сўзини тасдиқлади.

— Бу одам тўғри гапиряпти. Бир кун олдин мен ҳам сендан тарвуз харид қилиб, қорним оғриб ўлаёздим. Айтишга ийманиб тургандим.

Текширув-суриштирув бошланди. Деҳқонман деб кўксига уриб турган йигит гирт олибсотар бўлиб чиқди. Кўпчилик таклифи билан шу жойнинг ўзига лаборатория ходимлари келишди. Улар 2-3 та тарвузни кўрикдан ўтказиб, истеъмолга яроқсиз эканлигини айтишди.

— Бўлмаса мана бу "Текширилган" деган рухсатномани ким берган унга? — сўради йиғилганлардан бири.

Лаборатория ходимлари елка қисишди.

— Бу қанақаси? Шундай катта бозорда яроқсиз маҳсулот сотилса-ю, сизлар бехабар бўлсангиз,—дейишди одамлар.

— Баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Биздан берухсат «Текширилган» деган ёзувни пеш қилиб ўз ўтмас матоҳини ўтказиб кетадиганлар ҳам топилади, — дея ўзларини оқлашди ходимлар.

Бу гапга ким ишонди, ким ишонмади. Ахир бозор бедарвоза эмаску. Нега бозор чиптачиси ҳеч бир сотувчини назардан қочирмай дарҳол ундан чипта пули талаб қилиб олади-ю, инсон соғлиғига масъул бўлган бу кишиларнинг кўзлари бундай ноинсофларни кўрмай қолади? Назаримизда бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Ҳар қалай ёғ огиз уялса керак-да.

Хуллас, шу куни биз ҳам турли мулоҳазаларга бориб, ўнни танлаб бирини олдик. Ҳар қалай уйга тарвузсиз қайтмадик.

## МЕН ТУШЛИККА ЧИҚДИМ

Ўтган шанба куни соат 13 лар чамаси. «Эски Жўва» бекатидан 26-троллейбусга ўтирдик. Машина салони тиқилинч бўлганидан йўловчилар бетоқат эди.

— Болам, юра қолсангчи, — илтижо қилади қария.

— Ярим соатдан бери турасиз-а, — эътироз билдиради бир болали хотин.

— Жадвалга риоя қиламан, — дейди ҳайдовчи уларга жавобан.

— Қанақа жадвал экан у, йўловчиларни шунча куттирса, — бақиради ўрта ёшлардаги киши.

Бу орада бекатга яна битта 26-троллейбус келиб тўхтади. Кимдир «Нариги машина кетаркан» деб қолди. Одамлар дув этиб ўша томон чопишди. Бир зумда унинг бўм-бўш салонини тўлдиришди.

— Ҳурматли йўловчилар! Мен тушликка чиқдим. Ўша сиз ўтирган нариги троллейбусга чиқинглар. Юриш навбати уники.

Йўловчилар бири олиб, бири қўйиб, яна қайта ўз машиналаридан жой олишди. Шу орада яна 5-10 дақиқа вақт ўтди. Ниҳоят ҳайдовчи йўл тараддудини кўра бошлади. Бир орқага, бир олдинга юриб кўрди, кейин йўлга тушди. Устига -устак у ер, бу ерда тўхтаб қўл кўтарган йўловчилар борки, уларга ўз эшикларини очиб турди. Хуллас салонни одамларга лиқ тўлдирди. Тўхташ жойларида ҳайдовчи бирда орқа, бирда олди эшикни навбатма-навбат очиб йўловчиларнинг чипталарини бирма-бир текшириб турди.

— Одамларнинг вақтини олмай бир йўла салонда чипта сотиб қўя қолишса бўлмасмикан, — дейишади йўловчилар норози оҳангда.

— Чипта тамом бўлди, —овози эшитилди ҳайдовчининг.

Хуллас шу тариқа Юнусободнинг 17-шаҳар касалхонаси бекатига етиб келгунимизча бир соат вақт ўтди. Жадвалга тўла риоя қилиб юрилса, 25 дақиқада босиб ўтиладиган масофа учун сал кам икки ҳисса кўп вақт сарфланди.

 ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ДИҚҚАТ!
# 2005 ЙИЛ ОБУНАСИ ВА ШУ МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ЯНГИЛИКЛАР

**Тошкент почтамти акционерлик жамиятида 2004 йил 16 августдан бошлаб 2005 йил учун Республика ҳамда Россия газета ва журналларига обуна бошланади.**

**ЯНГИЛИКЛАР**:

— таҳририятлар билан тўғридан тўғри шартнома тузилган, шу боис обуна нархи арзонлаштирилган;

— бир йил муддатга ва 1 миллион сўмдан ортиқ обуна расмийлаштирган мижоз ва даврий нашрларни тарқатувчиларга обуна суммасидан 1% миқдорда имтиёз, жисмоний шахсларга эса 1% миқдорда мукофот пули тўланади;

— бир йил муддатга ва 5 миллион сўмлик обуна расмийлаштирган идора ва ташкилотлар биносининг биринчи қаватига махсус жавонлар (шкаф) бепул ўрнатиб берилади;

— обуна қилинган нашрларни ўз вақтида ва тўлиқ элтиб бериш кафолатланади.

**ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ:**

Ихтиёрий равишда келишилган қўшимча тўловларга розилик билдириб, шартнома тузган идора ва ташкилотларга обуна қилинган газеталар махсус сўров жилдларида (пакетларда) обуначи томонидан белгиланган вақтда етказиб берилади ва масъул вакилга имзо орқали топширилади ҳамда нашрларнинг бутлиги таъминланади.

**БУНДАН ТАШҚАРИ:**

Пойтахт фуқаролари ва почта мижозларига қулайлик яратиш мақсадида Бош почтамтда 144-62-38 сонли ишонч телефони ташкил этилди. Ушбу телефон рақамига соат 8 дан 17 гача (дам олиш кунларидан ташқари) пойтахт почта хизматининг барча турларидан (шу жумладан пенсия тўлови бўйича) мамнун бўлмаган мижозлар мурожаат этишлари мумкин. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб барча почта мижозларига қўйида намунаси келтирилган шаклда махсус сўровномалар тарқатилади.

Сўровномадаги саволларга жавоб ёзиб, орқа томонини тўлдириб, почта қутиларига ташлашингизни сўраймиз. Сўровномани қайтариб юборишда пул тўланмайди.

**«Тошкент почтамти» АЖ маъмурияти**

*Ҳурматли мижоз!*

***Сиз Тошкент шаҳар почта алоқаси хизматидан мамнунмисиз?***

Ҳа, Йўқ.

(кераксизини ўчиринг)

Агар мамнун бўлмасангиз сабабини кўрсатинг.

***Пенсия ва нафақаларни тўлов ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда ҳар ойда тўлиқ оласизми?***

Ҳа, Йўқ

(кераксизини ўчиринг)

Агар пенсия пули, нафақа пули ёки пул жўнатмалари тўлиқ тўланмаса, даврий нашрлар ўз вақтида элтиб берилмаса, шаҳар Бош почтамтининг 144-62-38 ишонч телефонига маълумот беринг ва бу сўровноманинг орқасини тўлдириб почта қутисига ташланг.

**«Тошкент почтамти» АЖ директори**
**Ю.МИРСОАТОВ.**

## ХАРИДОРЛАР, ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 23-27 август кунлари Тошкент шаҳридаги доимий фаолият юритаётган минтақавий кўргазмали савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича мавсумий савдо ярмаркаси ўтказилади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

*Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил:*

*Навоий ва Фуркат кўчалари кесишган чорраҳа («Хадра» майдони)«Халқ истеъмол моллари Тошкент минтақавий ярмаркаси» МЧЖ*

*Ярмаркага марҳамат!*
*Маълумот учун «Ўзбексавдо акциядорлик компаниясининг телефонлари:*
*139-10-93, 139-13-15, 139-46-97.*

Курганова Феруза Абдукаримовна номига берилган 000120 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли Адлия бошқармасининг буйруғига асосан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Гулсарафарм» хусусий фирмасига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани савдо департаменти томонидан берилган рўйхат рақами 1123/04 Х/Ш 009115 серияли савдо рухсатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор туман ҳокимияти, туман маданият ишлари бўлими ва Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи 2004 йил 18 август куни соат 18.00 да бўлиб ўтадиган 6-анъанавий *«КЕЛИНГ, КУЛИНГ — УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!»* деб номланган аския сайлига барча кулгисевар юртдошларимизни таклиф этади.

## “ИШЛАБ ТОП!”

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



**Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**
**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.Факс: (3712) 133-29-09.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Тўрақул уйининг эшигини қулфлаб қаергадир чиқиб кетди. Уни кузатиб турган таниши Фарҳод, Тўрақул кетиши билан уй томон йўл олди. Фарҳод эшик қулфини бузиб ичкарига кирди.

Аввалига у нафсини жиловлай олмай ҳамма нарсани олиб кетмоқчи бўлди. Кейин эса атиги «Чайка» тикув машинаси ва 3 дона қимматбаҳо гиламни олиб «қуённинг расмини чизди». Тўрақул уйига келиб бор воқеадан воқиф бўлди ва зудлик билан ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Ички ишлар ходимлари унинг танишини Фарҳодни талончилик излари совимасдан қўлга олдилар. Энди у қонун олдида жавоб беради.

● Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, «Раимжон» номли ошхонанинг олдидан соат 14.00 ларда Наргиза ўтиб кетаётган эди. Рўпарасидан келаётган нотаниш бир кимса уни тўхтатди. Қўлидаги лезвие билан Наргизани қўрқитиб, 10 минг сўмлик аёллар сумкасини, ичидаги 5500 сўмлик аёллар халати, 10 минг сўмлик икки жуфт тапочка ва 4250 сўм пулларини тортиб олиб қочиб кетди. Йўлда уни милиция ходимлари қўлга олдилар. Ушбу кимса ҳеч қаерда ишламайдиган Ўткир эканлиги аниқланди. Ҳозир у қилмишига яраша жазо олиш арафасида.

● Кеч соат 22.00 ларда чамаси. Қўйлиқ-3 мавзесининг «Чебурашка» қаҳвахонасининг яқинида 4-5 чоғли мактаб болалари йиғилишиб ниманидир келишишаётган эди. Шу ерда турган ёши 38 лар атрофидаги Андрейнинг уларга кўзи тушган эди. Нима бўлдию, у хаёлга берилиб турганида бошига кучли зарб урилди. Андрей бошини ушлаб ерга ётиб қолган пайтда унинг қўлидаги чарм сумкасини ҳалиги болалардан иккитаси олиб қочиб кетди. Улар 10-синф ўқувчиси Тўрабек, 9-синф ўқувчилари Эрик, Рашид, Мирза ва Ғанилар эди. Улар Андрейнинг бошига белкурак сопи билан уриб тан жароҳати етказган эдилар. Андрей зудлик билан касалхонага ётқизилди.

Бундан ташқари улар худди шу жойда Виктор исмли шахсни пичоқ билан қўрқитиб эгнидаги 120.000 сўмлик чарм курткасини тортиб олиб қочиб кетган эдилар. Ҳали мактабни тугатиб улгурмаган ушбу ёш болалар ички ишлар ходимлари томонидан ушланиб, ашёвий далиллар олиб қўйилди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

«MULTILOT» қўшма корхонаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги лотереялар ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Равшан Рафиқович КАРИМОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

# ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

**Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 14,17,21,24,28 сентябрь ва 5,8,12,15,19,22,26,29 октябрь кунлари ўтказадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

**Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Ойбек кўчаси, 42-уйда жойлашган, «USUB» ОАЖнинг «ХНАК» шўъба корхонасига қарашли:**

| Русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Бошланғич нархи, сўм | Техник ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| КАМАЗ-5320 | 1987й. | 11AQ 201 | 1 394 900 | Носоз |
| РАФ-220301 | 1998й. | 11AQ 229 | 1 033 006 | Носоз |
| М412 | 1982й. | 11AI 051 | 278 660 | Носоз |
| ММЗ-554 | 1990й. | 82-93ТШС | 870 242 | Носоз |
| ММЗ-554 | 1985й. | 11AQ 318 | 870 242 | Носоз |
| ЗИЛММЗ-45021 | 1987й. | 11AQ 234 | 870 242 | Носоз |
| ГАЗ-2411 | 1991й. | 35-13 ТШБ | 372 080 | Носоз |
| КАВЗ-685 | 1981й. | 11AQ 180 | 833 696 | Носоз |
| ПАЗ-672М | 1987й. | 11AQ 183 | 2 900 430 | Носоз |
| ПАЗ-3205 | 1991й. | 11AQ 202 | 1 000 436 | Носоз |
| ВАЗ-2121 | 1985й. | 11AI 091 | 430 324 | Носоз |

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтига қарашли «Радиопрепарат» корхонасининг 1991й. ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-15ТНБ бўлган ГАЗ-24-10 русумли, 490 163 сўм бошланғич нарх билан қўйилади (носоз).

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкалари учун савдодан бир кун аввал соат 18.00 да, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархининг 5 % миқдорида, қолган объектлар учун объектнинг бошланғич нархдан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

*Тузатиш: газетанинг 2004 йил 3 августдаги № 148-сонида берилган «ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!» сарлавҳали эълоннинг Собир Раҳимов туманига тааллуқли қисмида Юнусов кўчасида (Банк коллежи рўпарасида) жойлашган сатҳи 0,04 га. бўлган икки қаватли дўкон қуриш учун мўлжалланган бошланғич нархи 3669468 сўм ҳамда «Сағбон» кўчасида жойлашган иккита ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. дан бўлган икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуалари қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сўзлари тушиб қолганлиги сабабли юқоридаги матнга қўшиб ўқилишини билдирамиз.*

*Туманларда*

# НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Маҳалла ҳар бир инсон туғилиб, ўсиб, вояга етадиган муқаддас маскан. Миллий қадриятлар, азалий урф-одатлар, муқаддас анъаналаримиз ҳам ушбу гўшада янада сайқал топиб, янгича тус олиб боқий давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Мустақиллик йилларида қадр-қиммат масканига бўлган эътибор тобора ортиб ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган ушбу гўшалар чирой очиб, жамиятимизда яхшилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат тимсоли бўлиб бўй кўрсатмоқда.**

Ҳар йили юқорида санаб ўтилган хайрли ниятлар ижроси йўлида маҳаллалар ишини янада ривожлантириш, қилинган ишлар сарҳисоби бўйича «Маҳалла куни» байрам сифатида нишонланиб келинади. Куни кеча Ҳамза туманидаги «Давр» маҳалла гузарида бўлиб ўтган тадбир ҳам анъанавий байрам муносабати билан ўтказилди. Тумандаги 50 та маҳалладан таклиф қилинган маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳаллаларнинг янада чирой очиши, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий таъминлашга ҳамиша мурувват қўлини чўзиб келаётган ҳомий ташкилотлар — «Ёғ-мой» комбинати қўшма корхонаси, «Темир йўл контейнерлари» очиқ акциядорлик жамияти, «Подъёмник» заводи, «Ўзагротаъминот» каби қатор корхона ва ташкилотлар вакилларининг дийдорлашувлари ўринли фикрлар ва илиқ каломларга тўлиқ бўлди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари Шавкат Жавлонов, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов, туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Озод Шоумаровлар маҳалланинг бугунги кундаги мавқеи, эришилган ютуқ ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар, ибратли маҳалла оқсоқолларининг олиб бораётган мақтовга лойиқ юмушлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Азиз маҳалладошлар, — деди жумладан туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Озод Шоумаров. — Меҳр-оқибат, буюк қадриятлар ўчоғи бўлмиш маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар айтишга арзигуликдир. «Маҳалланг тинч, сен тинч» деб бежизга айтилмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизнинг обод, ораста, тинчлик-осойишталик масканига айланишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшамиз деб ишонаман. Байрамингиз муборак бўлсин, ҳамиша эл эътиборида, ҳурмат-иззатида бўлинг.

Тадбир сўнггида, туманда ўтказилган «Энг намунали маҳалла», «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» каби қатор танловлар ғолибларига эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлар топширилди. Маҳаллаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, юрт ободлиги учун ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ҳам туман «Маҳалла» жамғармасининг рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлдилар.

Тадбир давомида эл ардоғидаги санъаткорлар ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар барча йиғилганларга манзур бўлди. Кўнгиллар кўтарилган, меҳр-оқибат кўрсатилган ушбу давра узоқ вақт қатнашчилар ёдида қолиши шубҳасиздир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

*Бўш вақтингизда*

# БОШҚОТИРМА



**Энига:** 5. Ота-бобоси шаҳрисабзлик, Ҳиндистонда яшаб, ижод этган шарқ халқлари шоири ва мутафаккири. 6. Қаттиқ, тобланган металл. 7. Бир жисмнинг иккинчи жисм сиртига таъсир этиш кучларининг интенсивлигини ифодаловчи физик катталик. 2. Янчилган дон чиқити. 10. Марказий Осиё давлати пул бирлиги. 12. Икки томонлама рангбаранг газлама. 15. Қуруқ мева. 16. Гап бўлаги. 17. Назмий асар тури. 18. Автомобиль кузови тури.

**Бўйига:** 1. Қоришма, бинокорлик ашёси. 2. Жисм ҳароратини бир даража кўтариш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори. 3. Қамиш солиб ёпилган том қисми. 4. Мусиқа асари. 8. Япония автомобили маркаси. 9. Бадиий каштадўзлик буюми. 11. Турли баландликдаги идишлардаги суюқликни бир-биридан ўтказишда фойдаланиладиган мослама. 12. Кавказдаги оромгоҳ маскан. 13. Кимёвий элемент, металл. 14. Хона жиҳози, мебель.

**«ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ**

Аввало қуйида келтирилиб рақамларда ифодаланган ҳикматлардаги сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини 2, 8, 9, 1, 14. оширар.
2. Мард ҳамиша — 15, 6, 11, 3, 5.
3. Одам қўли 7, 12, 11 чўлни бўстон қилади.
4. Қимирлаган қир 6, 18, 1, 10.
5. 17, 6, 4, 6 — дурдан аъло.
6. 13, 12, 16 — бирликда.

Энди шакл атрофидаги рақамларда яширинган икки мисра ҳикматни очқич сўзларидаги ҳарфлар асосида билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 6 август сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Футбол. 2. Зулфия. 3. Иқтисод. 4. Микрон. 5. Бронза. 6. Табақа. 7. Чистон. 8. Булбул. 9. Тазкира. 10. Призма. 11. Термизий. 12. Пудрат. 13. Сардоба. 14. Дурбин. 15. Каптар. 16. Жавдар. 17. Карнай. 18. Мармар. 19. Кампала. 20. Колумб. 21. Баобаб.**

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар: 1. Кенгаш. 2. Эсдалик. 3. Мовут. 4. Хаёл. 5. Яшин.**

**Ибратли сўзлар: Яхшини — ёмон кунда сина.**

**Адоват эмас — адолат енгади.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. 1 2 3 4 6